

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси магистратурасида
ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг (кейинги ўринларда – Академия) фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”нинг 6-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Академияда амалий магистратура дастури асосида ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилашни тартибга солади.

2. Академияда амалий магистратура дастури асосида ўқитиш тўлов-контракт асосида ташкил этилиб, унинг қиймати Академия Кенгаши ва Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланади.

3. Магистратура босқичида ўқув жараёни таълимнинг кундузги ва кечки шаклларида ташкил этилади.

2-боб. Контракт миқдорини белгилашнинг асосий принциплари

4. Магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт ва табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорини белгилашнинг асосий принциплари:

иқтисодий асосланганлик;
харажатларни тўлиқ ва адолатли ҳисобга олиш;
таълим сифати ва амалий тайёргарлик устуворлиги;
шаффофлик;
Академия эҳтиёжларига мувофиқлик;
молиявий барқарорликни таъминлаш.

**3-боб. Тўлов-контракт миқдорини белгилашда ҳисобга
олинадиган харажатлар**

5. Таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар:
профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш;
хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб этиш;
ўқув-методик материалларни тайёрлаш;
магистрлик диссертация иши ҳимояси билан боғлиқ тўловлар;
электрон таълим платформаларидан фойдаланиш.
6. Инфратузилмадан фойдаланиш ва сақлаб туриш харажатлари:
аудитория ва ўқув хоналарини сақлаш;
ахборот технологияларидан фойдаланиш;
ахборот-ресурс маркази маълумот базаларидан фойдаланиш.
7. Маъмурий харажатлар:
таълим жараёнини бошқариш;
талабаларга хизмат кўрсатиш;
ташкилий ва техник таъминот;
солиқ тўловлари.

4-боб. Тўлов-контракт миқдорини ҳисоблаш тартиби

8. Магистратурада тўлов-контракт суммаси бир талабага тўғри келадиган мазкур Низом 3-бобида қайд этилган реал харажатлардан келиб чиқиб белгиланади.

9. Тўлов-контракт миқдорини ҳисоблашда қуйидагилар инобатга олинади:

Магистратура дастурида ўқитишнинг 1 йиллик аудитория дарс соати;
ҳар бир магистрлик диссертация ишига илмий раҳбарлик қилганлик учун белгиланган вақт меъёрлари;
инфратузилмани сақлаб туриш ва амортизация харажатлари (20%);
маъмурий бошқарув ва рентабиллик (20%);
ягона ижтимоий тўлов, солиқлар учун тўлов (25%).

5-боб. Тўлов-контракт миқдорини белгилаш ва тасдиқлаш тартиби

10. Магистратурада тўлов-контракт қиймати ҳар ўқув йилида бир йиллик ўқитишнинг кундузги ва кечки таълим шакли учун алоҳида белгиланади.

Бунда кечки таълим шакли учун тўлов-контракт қиймати 10 фоизгача оширилган миқдорда белгиланиши мумкин.

11. Академия Кенгашига тўлов-контракт миқдори ва табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори бўйича масала Магистратура факультети ва Бухгалтерия бўлими томонидан киритилади.

12. Тўлов-контракт миқдори ва табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори Академия Кенгаши ва Судьялар олий кенгашида томонидан белгиланади.

13. Табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори:

0,1 баллдан 1 баллгача етмаган номзодлар учун – базавий тўлов-контракт миқдорининг 1,5 баробари;

1,1 баллдан 2 баллгача етмаган номзодлар учун – базавий тўлов-контракт миқдорининг 2,0 баробари;

2,1 баллдан 3 баллгача етмаган номзодлар учун – базавий тўлов-контракт миқдорининг 2,5 баробари;

3,1 баллдан 4 баллгача етмаган етмаганлар учун – базавий тўлов-контракт миқдорининг 3,0 баробари;

4,1 баллдан 5 баллгача етмаган номзодлар учун – базавий тўлов-контракт миқдорининг 3,5 баробари;

5,1 баллдан 6 баллгача етмаган номзодлар учун – базавий тўлов-контракт миқдорининг 4 баробари;

6,1 балл ва номзодлар тўплаши лозим бўлган умумий баллнинг 56 фоизидан кам бўлмаган баллни тўплаган номзодлар учун – базавий тўлов-контракт миқдорининг 5 баробари ҳисобланади.

14. Тасдиқланган тўлов-контракт миқдори ва табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори Академиянинг расмий ахборот ресурсларида эълон қилинади.

6-боб. Тўлов-контракт ва табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорини амалга ошириш тартиби

15. Тўлов-контракт ва табақалаштирилган тўлов-контракт тўловлари шартнома асосида амалга оширилади.

16. Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга мурожаатларни қабул қилишнинг охирги муддати ўқув йилининг 30 сентябрь кунига қадар қабул қилинади.

17. Тўлов-контракт бўйича тўловлар ўқув йилининг биринчи ярми учун 15 сентябргача, иккинчи ярми учун 1 мартгача бўлган муддатда амалга ошириш тегишли шартномада белгиланади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ушбу Низом магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш бўйича асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

19. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низоли ҳолатлар Академия Устави, ички меъёрий ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

20. Низом Судьялар олий кенгаши билан келишилган ҳолда Академия Кенгашининг қарори билан тасдиқланади, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.